Ушбу сонда:
2 Тундаги қотиллик
3 Ўқитувчилар сиҳатгоҳи
4 Нуронийлар «Сангзор»да учрашдилар

Инсонга наф келтириш — олий бахт

ISHONCH

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

2002 йил 23 ноябр, шанба №185 (1402)

Сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади

ФАОЛЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Самарқанд вилоятида «Миллий қадриятлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли» танлови якунланди.

Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, тинчлик ва тотувликни таъминлашда маҳалла оқсоқоллари фаоллигини, фуқаролар ҳуқуқий билимларини ошириш, ёшларни турли ёт таъсирлар ва гиёҳвандлик иллатидан сақлаш мақсадида ташкил этилган мазкур танловнинг «Энг фаол маҳалла оқсоқоли» тури бўйича Қўшработ туманидаги «Шовона» маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Абдуғаниев, «Маҳалла посбонлари сардори» тури бўйича Сиёб туманидаги «8 Март» маҳалла посбонлари сардори А.Насимов, «Энг фаол милиция таянч пункти нозири» турида Сиёб тумани ички ишлар бошқармаси профилактика инспектори И.Мансуров ғолиб деб топилди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВ НАТО САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

ЎзА махсус мухбири А.БОБОЕВ Прагадан хабар қилади

НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этиш учун Прагага ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТО Бош котиби Жорж Робертсон билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон ва НАТО ҳамкорлигининг бугунги аҳволи, дунёдаги сиёсий вазият, терроризмга қарши кураш билан боғлиқ масалаларда фикр алмашилди. Жорж Робертсон Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, Президент Ислом Каримовнинг жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташаббусларини юкори баҳолади. Томонлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини алохида таъкидлади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг бу галги саммити асримизнинг тарихий воқеалари сирасига киради. Зеро, бу галги саммит авваргидек, мафкуравий қарама-қаршиликлар шароитида эмас, балки сайёрамизда тинчликни мустаҳкамлашдек долзарб масала кўндаланг бўлиб турган бир пайтда ўтди. Шу боис НАТО тузилмасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур саммитда кўрилган масалалар дунёдаги ҳеч бир мамлакатни бефарқ қолдирмайди. Чунки, инсоният халқаро терроризм муаммосига дуч келиб турибди. Унга қарши кураш эса дунё миқёсида ҳамкорликни тақозо этаётир.

Саммитда Литва, Латвия, Эстония, Болгария, Руминия, Словения ва Словакия Шимолий атлантика иттифоқига аъзоликка таклиф қилинди.

Прага саммитида Ироқ масаласи ҳам кўрилди. Мажлис иштирокчилари Ироқ БМТ Хавфсизлик кенгаши резолюцияси талабларини сўзсиз бажариши лозим, деган қатъий қарорга келди.

Шунингдек, Шимолий атлантика иттифоқига аъзо мамлакатлар раҳбарлари томонидан НАТОнинг ҳарбий тузилмасини ислоҳ этиш бўйича муҳим қарор қабул қилинди. Жумладан, тез ҳаракатланувчи бирлашган кучларни ташкил этиш ва унинг салоҳиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

22 ноябр куни Президент Ислом Каримов Прагадаги ҳашаматли «Конгресс-центр»да АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида тобора ривожланиб бораётган муносабатлар, жаҳонда ва минтақамизда хавфсизликни таъминлаш ҳамда халқаро террорчиликка қарши курашда ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши курашда кўрсатаётган амалий ҳаракатларини юқори баҳолади.

Президент Ислом Каримов НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда Европа Иттифоқи олий вакили даражасида ўтган мажлисда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари шу куни Франция президенти Жак Ширак билан ҳам учрашди. Икки давлат раҳбарлари суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кенг қамровли алоқалар, дунёдаги вазият, халқаро террорчиликка қарши ҳамкорликда кураш чоралари, Афғонистонда амалга оширилаётган тиклаш ишлари ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашди.

Шу билан Прага саммити ниҳоясига етди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Раис жаноблари,

Ҳурматли давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари,

НАТОнинг бугунгидек ғоят нуфузли анжуманида сўзга чиқиш имконияти берилганлиги учун миннатдорлик билдиришга, шунингдек муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларимни қисқача баён этишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан. 2001 йил 11 сентябрдаги фожеали воқеалар ҳамда дунёнинг турли бурчакларида такрорланиб келаётган мудҳиш террорчилик хуружлари натижасида мутлақо бегуноҳ одамлар қурбон бўлиши ушбу даҳшатли таҳдиддан бирон-бир мамлакат ўзини бехавотир сезолмаслиги ҳақидаги аччиқ ҳақиқат аён бўлди. Хавфсизликни, чиндан ҳам, якка ҳолда таъминлаш қийинлиги ва фақат ҳамжиҳат саъй-ҳаракатлар билангина терроризм балосининг олдини олиш ва бартараф этиш мумкинлиги эътироф этила бошланди.

Биз НАТОга янги аъзолар таклиф этиш, унинг таркибига кирмайдиган мамлакатлар, аввало, Россия билан сифат жиҳатидан янги муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, НАТО тузилмаларини хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларга мослаштириш ва ўзгартириш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга оид қарорларни қўллаб-қувватлаймиз.

Бизнинг минтақадаги хавфсизлик билан боғлиқ аҳвол ҳақида сўз кетганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у бир йил аввалги ҳолатдан жиддий фарқ қилади.

Минтақамиздаги мамлакатлар Афғонистон ҳудудидаги босқинчи ва террорчи кучлар томонидан ҳар йили содир этиладиган қўпорувчилик хуружларидан халос бўлди. Энг муҳими, уларнинг ортида турган, ҳаддидан ошган толибларнинг ҳудудимизга бостириб кириши таҳдиди билан боғлиқ доимий хавф-хатардан қутулди.

Ўзбекистон, Афғонистонда амалга оширилган операциянинг ғоят масъулиятли даврида антитеррористик коалицияни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўзи учун осон бўлмаган қарор қабул қилган мамлакат сифатида ушбу таҳдид бартараф этилгани учун барча давлатларга, биринчи навбатда, халқаро террорчилик ўчоқларини йўқ қилиш ҳамда Афғонистонни тинч ҳаётга қайтариш борасидаги ҳаракатларга бош бўлган ва асосий масъулиятни ўз зиммасига олган АҚШга ўз миннатдорлигини билдиради.

Шу билан бирга, биз яхши англаймизки, Афғонистондаги ҳамда чегара ҳудудларидаги мураккаб вазият ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топгани йўқ.

У ерда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб муаммолар мавжуд. Улар, аввало, қуролсизлантириш, миллий армия ва давлат бошқарувини шакллантириш, Афғонистонни тинч ҳаётга қайтариш бўйича дастурларни амалга ошириш ва зарур маблағларни топиш ҳақидаги Токио конференцияси қарорларини бажаришдан иборат.

Шу муносабат билан, менинг назаримда, муҳим бир хулосани айтиш лозим.

Бутун халқаро ҳамжамият Афғонистон ўн йиллар мобайнида турли тоифадаги ақидапарастлар, экстремистлар ва террорчилар учун полигонга айланганини бефарқ кузатиб келди. Афғонистоннинг бу аянчли тажрибаси, аввало, шундан далолат берадики, замонавий тараққиёт учун энг хавфли таҳдид бўлган террорчилик балоси оқибатларига қарши курашиш уни юзага келтирадиган сабабларни ўз вақтида бартараф этишдан кўра қийин ва мураккаброқдир.

Шу нуқтаи назардан, АҚШнинг жаҳоннинг бошқа минтақаларида, хусусан, Ироқда воқеаларнинг бундай салбий тус олишига йўл қўймасликка интилиш борасидаги қатъий ва изчил позицияси қўллаб-қувватлашга муносиб.

Иккинчидан. Бугунги кунда халқаро терроризм ўзи озиқланиб келаётган, тобора наркоагрессия тусини олаётган наркотрафик билан чамбарчас боғланиб кетмоқда.

Наркотиклар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бораётгани ва дунёдаги энг йирик наркотрафик каналлардан бири Афғонистондан бошланиши жиддий ташвиш уйғотади.

Улкан молиявий ва бошқа ресурсларга эга бўлган халқаро наркотрафик - энг аввало, қудратли, яхши уюшган, бугунги кунда деярли бутун дунёни қамраб олган тизим сифатида миллионлаб одамларнинг ҳаётига таҳдид солмоқда.

Афсуски, бугунги кунда турли халқаро ташкилотлар шафеълигида амалга оширилаётган кўплаб дастурлар ва Марказий Осиё минтақасида ушбу таҳдидга қарши қўйишимиз мумкин бўлган чора-тадбирлар ўзаро яхши мувофиқлаштирилмаган, молиявий ҳамда моддий ресурслар билан етарли даражада мустаҳкамланмаган.

Менимча, ушбу тарқоқ дастурлар ўрнига, аввало, мазкур даҳшатли таҳдид манбаларини бартараф этиш ва минтақада «хавфсизлик камари»ни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини яратиш керак. Ягона марказдан бошқариладиган аниқ, қатъий, пухта ўйланган профилактика ва огоҳ этувчи чора-тадбирлардан иборат бу тизимни ташкил этиш зарурлигини эса исботлашга ҳожат йўқ.

Учинчидан. Ўзбекистон НАТОга аъзо мамлакатларнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларини янада фаоллаштиришга, биринчи навбатда, хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлигимизни кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, террорчиликка қарши курашиш борасида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тарафдоримиз.

Шу билан бирга, биз НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши билан демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, экологик хавфсизликни кучайтиришга кўмаклашиш масалалари бўйича ҳамкорлигимизнинг реал истиқболларини кўриб турибмиз.

Барча давлатлар томонидан БМТнинг ядровий ва бошқа оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги қарорлари, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги резолюциясининг бажарилишини таъминлаш масалалари НАТОнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигида муҳим йўналиш ҳисобланади.

Агар бугунги кунда террорчилар кимёвий, биологик, ядровий қуроллар ва юқори технологик ишланмаларни қўлга киритишга интилаётганини ҳисобга олсак, минтақамиз мамлакатларининг бу соҳада НАТО билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш янада муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Сўзим якунида XXI аср вабоси ҳисобланмиш халқаро террорчиликка қарши фақат ҳамжиҳатликда курашиш мумкинлигини яна бир бор таъкидлашни истардим.

«Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида йўл тутиб, бундай ғайриинсоний таҳдиддан ҳимояланишга интилишнинг келажаги йўқ, яна-да аниқроқ айтганда, мутлақо самарасиздир.

Бугун ушбу курашда кўп нарса ҳар бир мамлакатнинг бу жараёнда нечоғлик фаол иштирок этишига боғлиқдир.

Ўзбекистон бундан буён ҳам НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзининг собит йўлига амал қилаверади ҳамда хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантириш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Ў.Ҳошимов бошқарган ушбу йиғилишда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.

Йиғилишда Хоразм вилоятида зикр этилган қонун ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситаларига оид бир қанча қонунлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг ўз вақтида бажарилишини назоратга олган.

Вилоятда газета ва журналларда, телевидение ва радиода жами 130 га яқин ижодий ҳодим, жумладан, 78 нафар олий маълумотга ва ихтисосга эга бўлган ижодкор фаолият кўрсатмоқда. Оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошкора фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратилган. Шу билан бирга, йиғилишда мазкур қонун ижросини таъминлаш борасидаги камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш йўлларига эътибор қаратилди.

(ЎзА)



Мўйноқ консерва комбинатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради. Шунга қарамасдан, ишчи-хизматчилар корхона фаолиятини янада жонлантириш, маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида астойдил изланмоқда.

Суратда: лаборант Жумабике Демесинова.

О.МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

ҚИШ ЯҚИН, ШАЙМИСИЗ?

Куз фасли охирламоқда. Ҳадемай, қиш кириб келади. Шу боис мактаб ва болалар боғчаларининг кўнгилдагидек исишини таъминлаш айни кунлардаги энг муҳим вазифалардандир. Бу борада Урганч тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан биргаликда қатор ижобий ишларни амалга оширди. Қўмита тасарруфидаги 47 та мактаб, 20 та боғчада касаба уюшмаларининг 4392 нафар аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида мактаб ва боғчаларни октябр ойида қиш мавсумига тахт қилиб қўйиш кўзда тутилган эди. Шуниси қувончлики, барча ишлар айтилган муддатда ниҳоясига етказилди. Шу тариқа республика газ назорати инспекцияси вилоят бўлимининг мактаб ва боғчаларимизни қишга тўла тахтлиги ҳақидаги рухсатномасини олишга муваффақ бўлдик. Фурқат, Қодир Матниёзов, Усмон Юсупов, Огаҳий номли мактаблар жамоалари, айниқса, бу муҳим ишда фаоллик кўрсатдилар.

Туманимизнинг анча узоқдаги Қизилжар масканида иккита ширкат хўжалиги бор. Ушбу хўжаликлардаги Абай, Олтинсарин, Абиш Туташев номли мактабларда ҳам газлаштириш ва иситиш ишлари кўнгилдагидек бўлди.

Лекин айрим мактаблар ва болалар боғчалари қишга тайёргарликни бироз сусайтирдилар. Камчиликлар яқин кунларда тугатилади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, 27 та мактабда ичимлик суви муаммоси ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Бу нуқсонларни тузатиш учун туман халқ маорифи бўлимида санитехниклар гуруҳи тузилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» танлови эълон қилган эди. Танловда мактаб ва боғчаларнинг раҳбарлари, ишчилари, бошқарув ходимлари қатнашдилар. Танловда Эгамберган Собиров ғолиб чиқди ва қўмита мукофотини олишга сазовор бўлди.

Яна бир янгилик. Тумандаги ҳар бир мактабда шарт-шароитларни кузатадиган лавозим таъсис этилди. Бу ходим қиш давомида биринчи навбатда мактаб ва боғчаларда иссиқликнинг белгиланган миқдорда бўлишини таъминлайди.

Султон РЎЗИМОВ,
Урганч тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

«Ишонч» фош этади

ПУЛГА ТУЗОҚ ҚЎЙГАНЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори замирида кучли ижтимоий сиёсат масалалари ётади. У савдо, турли хизмат турларига тўловларни вақтида амалга ошириш, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, мукофот ва нафақа пулларини эгаларига ўз вақтида етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Қўрғонтепа туман универсал бозорида одатдагидек савдо-сотиқ қизғин. Фуқаро Рўзивой Мирсаидовнинг қўлиқўлига тегмайди. У зўр бериб хориждан келтирилган молларни мақташ билан овора. Бироқ, солиқ инспекторининг кўзи тушиши билан талвасага тушди. Синчков инспектор тахминлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, Р.Мирсаидовга рўбарў бўлди. Унда саноат моллари билан савдо қилиш ҳақида на божхона тўлови, на сифат сертификати бор эди. Боз устига, назорат касса аппаратисиз савдо қилиб, тушумларни киссага ураётганди. Қонунбузар охир-оқибатда аттанг, деб қолди. Пештахтадаги моллар мусодара қилиниб, «тадбиркор» жарима тўлашга мажбур бўлди.

«Файз-М» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконларида ҳам ғирромлик оз эмас экан. Аввало назорат касса машинаси номигагина қўйилган. Мудира М.Ортиқова саволга тутилганида нима дейишни билмай мулзам бўлди. Оқибатда фирма жаримага тортилди.

«Гули-Раъно» хусусий дорихона эгаларининг масъулиятсизлиги солиқчиларни ҳайратга солди. Боиси, вояга етмаган бола дори-дармон сотаётган эди. Бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, наҳотки, мутасаддилар тушунишмаса?

Шундай кимсалар борки, устамонликда манман деганларни ортда қолдиришади. Пулга тузоқ қўйган бундай кимсалар мақсадга эришиш учун турли ножоиз ишларга ҳам қўл уришаётгани ажабланарли ҳол. «Савай» ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи О.Мамарасулов сохта тадбиркор бўлиб чиқди. Қаранг, у ўзи яшайдиган хонадон ёнида ҳокимликнинг рухсатномаси бўлмаса-да, дўкон очиб олган. Киши билмас йўллар орқали хориждан келтирилган маҳсулотларни божхона декларациясисиз сотиш билан анча вақтдан буён шуғулланган. Қинғир иш ниҳоясига етиб, «тадбиркор» иши судга оширилди.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этишда «Ишонч» телефонлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорлар солиқчилар билан сим орқали боғланиб, ўзларини қизиқтираётган саволларга вақтида жавоб олмоқдалар. Умуман жонли мулоқотлар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мавжуд камчиликларга барҳам бериш, муаммоларни жойида ҳал этиш имконини бермоқда.

Текширишларда пул муомаласига оид 20 га яқин қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. 4 та иш судга оширилди.

М.АБДУМАННОНОВ,
Қўрғонтепа туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

Дориломон кунлар қадри асрларга татигуликдир. Мустақиллик йилларида деҳқоннинг эркин ишлаб, ерга эгалик ҳиссини туйишига кенг имконият яратилди, имтиёзлар берилди. «Фермер хўжаликларини шакллантириш тўғрисида»ги ҳаётбахш Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори — деҳқончиликда жаҳон тажрибасида синалган усулларни юртимиз қишлоқ хўжалигида ҳам жорий этиб, мўл-кўл ва сифатли маҳсулот етиштиришга қаратилган омиллар истеъмол бозорини таъминлашда муҳим рол ўйнади.

ОҚАР ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Андижон туманилик фермер Омадхон Ҳамидова Россия, Исроил ва Голландия тадбиркорлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди

Андижон туманидаги Охунбобоев номли хўжаликда меҳнат қилиб, кўп синовларни бошдан кечирган Омадхон Ҳамидованинг истиқлол йилларидаги фаолияти кўпчиликни қизиқтириши табиий. Олим-агроном, деҳқончиликнинг миридан-сиригача пухта ўзлаштирган миришкор аёл учун Президент Фармони орзуларининг ушалишига йўл очди. Бундан беш йил муқаддам хўжалик тасарруфидан шартнома асосида 27 гектар ер олиб, «Омад-97» фермер хўжалигини тузганди. Дастлабки кезлар фаолиятни юритиш анча оғир кечди. Фермер хўжалиги асосан сабзавот ва полиз экинлари етиштиришга ихтисослашгани боис, гоҳ техника, гоҳ ўғит етказиб бериш қийинлашарди. Лекин излаганга толе ёр, деган гап бежизга айтилмаганлигини хўжалик аъзолари ўз фаолиятларида яна бир бор ишонч ҳосил қилишди.

Астойдил қилинган меҳнат зое кетмади. Ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан уддаланиб, ишчилар моддий манфаатдорлиги ортди ва иш ҳақига 40-50 минг сўмдан қўшимча берилди.

Бозор иқтисоди шароитида кам даромадли ва қарамоғида ҳеч кими йўқ оилалар саховатли фермер назаридан четда қолмади. Даромад ва шахсий жамғарма ҳисобидан «Ҳакам» қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфидаги маҳаллалардан 9 нафар болажоннинг суннат тўйи ҳамда 2 нафар йигит ва қизнинг никоҳ тўйи ажойиб тарзда ўтказилди.

Ерга меҳр, албатта ўз натижасини беради. Экин майдонларига қайта ишлов бериш ва кераличa минерал, маҳаллий ўғитга тўйинтириш ҳисобига фермер етиштирган маҳсулот орта борди. Ишлаб чиқаришнинг шаклланганлиги нафақат ички истеъмол бозорини тўлдиришга, балки, четга сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш, хорижий сармоядорлар билан ўзаро истиқболли шартномалар тузишга йўл очди.

Айни пайтда «Омад-97» фермер хўжалиги Россиядаги «Гаврел» фирмаси, Голландиянинг «Роял-серус» ҳамда Исроилдаги «Супер-стрен» фирмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келаяпти. Истиқболли шартномага кўра помидор, бодринг ва бошқа маҳсулотлар шу ернинг ўзида қайта ишланиб, россиялик ҳамкорларга етказиб берилаётган бўлса, Голландия ва Исроилда етиштирилаётган ана шу маҳсулотларнинг янги навлари фермер хўжалигида синовдан ўтказилиб, сўнг дунё қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда. Албатта, бу «Омад-97» фермерларининг ишбилармонлиги, соҳани пухта ўзлаштириб, имкониятлардан оқилона фойдаланаётганидан далолат.

Юртимиз янгиликлари

Шу ўринда фермер амалга ошираётган саховатли ишларга тўхталиб ўтиш жоиз. Айни пайтда «Омад-97» хусусий хўжалиги оила аъзоларидан ташқари 45 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган. Уларнинг ўртача ойлик-маошлари 50 минг сўмни ташкил этади. Мавсум палласида ишчилар сони 150-200 нафарга етади.

Жорий йилдан омилкорлар экин майдонларидан икки бор ҳосил йиғиштириб олишни қатъий йўлга қўйди. Масалан, 10 гектар ғаллазор ҳосилдорлиги 75 центнерга етказилиб, давлатга сотилганидан ташқари ишчиларнинг ҳар бирига 500 килограммдан буғдой улашилди. Шунингдек, маҳаллалардаги кам таъминланган ва 50 нафарга яқин қарияларга 50-100 килограммдан буғдой, ун ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хайрия сифатида тарқатилди.

Соҳибқирон Амир Темур тузукларида: «Бир яхшиликни элга раво кўрган, юз яхшилик топгусидир» деган жумлалар бор. «Ҳакам» қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфидаги маҳаллаларнинг барчаси Андижон шаҳри атрофида жойлашган. Шундай бўлса-да, ичимлик суви ва табиий газ маҳаллалардан айримларининг муаммосига айланганди. Фермернинг саъй-ҳаракати туфайли 5 та маҳаллада ичимлик суви ҳамда 2 та маҳаллада табиий газ қувурлари тортилиб, хонадонларга файз кирди.

Шулар қаторида шаҳардаги 1-болалар шифохонаси, онкология диспансери, 4-ва 21-ўрта мактаблар, 23 та кам таъминланган, ногирон, қарамоғида ҳеч кими йўқ кишиларга «Омад-97» доимий ҳомийлик қилмоқда.

Омадхон Ҳамидова бошқа ҳам ўзига хос ишларни амалга ошираётганлигини жорий йилнинг ўн ойлик иқтисодий кўрсаткичлари мисолида кўриш мумкин аммо...

«Омад-97» фермер хўжалиги бисотидаги экин майдонлар Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ерлари билан туташ. Демак, сув ичса ариғи, экин экса уруғи бир хиллиги ўзўзидан аён бўлса-да, иқтисодий кўрсаткичлар ва маҳсулот етиштиришдаги тафовут, афсуски ҳар хил.


Масалан, фермер хўжалиги ғалладан гектаридан 75 центнердан хирмон уйиб, буғдойнинг ўрнига такрорий экин сифатида эккан помидорнинг гектаридан 350 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Ортиқча сарф-харажатлар камайтирилиб, тежамкорликка алоҳида эътибор қаратилганлиги боис 17,5 миллион сўм даромад олинди. Охунбобоев номли хўжаликда эса гектаридан 300 центнердан ҳосил олинди, холос.

Халқимизда оққан дарё оқаверади, деган ҳикматли сўз бор. У бежизга айтилмаган. «Омад-97» фермер хўжалигининг юртимизда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва одамларни иш билан таъминлаб, қишлоққа саноатни олиб кириш, янги иш ўринларини яратиш борасида қилаётган саъй-ҳаракатлари хусусида кўп ва хўп гапириш мумкин. Уларнинг режалари бисёр. Айтайлик, томат ишлаб чиқариш цехини бунёд этиш, ҳар жиҳатдан ихтисослашган мактабни қуриб, маҳалла ёшларига туҳфа этиш, бичиш-тикиш цехи ва аҳолига техника хизмати кўрсатиш шоҳобчаларига эга бўлиш шулар жумласидандир.

Хизмат сафаридан қайтаётиб, фермер далаларига эътибор қаратдик. Экиндан бўшаган майдонларда кузги юмушлар амалга оширилмоқда. Бир ёнда эса иссиқхоналар барпо этилибди. Экинлар ривожи яхши. Бу ерда меҳнат қилаётган Азиза Абдураҳимова, Саломат Қодирова, Фотима Қобилова, Содиқжон Умаров сингари миришкорлар бажараётган ишидан, эришилаётган натижалардан мамнун. Уларнинг унумли ишлаб, маданий дам олишлари учун шарт-шароитлар мавжуд. Рўзғори тўкин бўлиб, ўзи бажараётган ишдан қониқиш ҳосил қилиш катта бахт.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.





Яқинда Жиззах шаҳрида «АРС-ПЛАСТ» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси қуриб, ишга туширилди. Дунёга машҳур «LRS» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур қўшма корхона бир йилда 3 минг 800 тонна пластмасса қувурларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Унинг қурилиши учун 2,1 миллион АҚШ доллари ҳамда 68 миллион сўм маблағ сарфланди.

Суратларда: корхона тайёр маҳсулотлари. Бўрибой НОРҚУЛОВ олган суратлар.


Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

2. ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Маълумки, кишининг бошқа шахслар манфаатларига таъсир этувчи ёки унинг инсонларга ва жамиятга бўлган муносабати билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлари жамиятдаги аҳлоқ-одоб қоидалари нуқтаи назардан икки хил баҳоланиши, яъни маъқулланиши ёки қораланиши мумкин. Бу икки кўриниш фуқароларнинг бир-бирига ва жамиятга, Ватанга, оилага ва меҳнат жамоасига, қисқаси бутун халққа бўлган муносабатларида намоён бўлиб, аҳлоқ-одоб қоидалари мазмунини ташкил қилади.

Бугунги кунда биз бу фалсафий қоидаларни фақат қайд этиш ва ўрганиш билан чегараланиб қолмасдан, уларни турли соҳаларда, хусусан, аҳлоқий етук кадрлар тайёрлашда ва танлашда асосий мезон сифатида ҳаётга татбиқ этишимиз лозим.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини, шахси ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларимиз халқимизнинг тарихий урф-одатларини ва ахлоқ-одоб меъёрларини ўзида акс эттиради ҳамда шу сабабли ҳам бугунги кунда ҳуқуқ ва аҳлоқнинг бирлиги табиий ҳол бўлиши керак. Жамиятдаги аҳлоқий тушунчалар унинг иштирокчилари ҳуқуқларини белгиловчи меъёрларда, ўз ифодасини топиши керак. Чунки инсонпарварлик ва инсонга ҳурмат, унинг пок номига ва ҳуқуқига бўлган эҳтиёткорона муносабат фақат баландпарвоз сўзлар эмас, балки, шахснинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашни таъминловчи кафолатга айланиши керак. Бу нуқтаи назарни ҳуқуқий таъминлаш мақсадида Конституциямизнинг 25-26 моддаларига ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмаслиги, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги каби инсонпарварлик ва адолат руҳи билан суғорилган қоидалар киритилган. Хулоса қилиб айтганда, Конституцияга ва қонунларга, ахлоқ-одоб ва суд қоидаларига ҳамиша риоя қилиш, бу билан адолатли таъминлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар ҳаётининг барча соҳаларда, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатларда бир-бирлари билан тенгдирлар. Айрим шахсларга қўлланилиши лозим бўлган имтиёзлар қонунда белгиланиб, фақат ижтимоий адолат принциплари асосида бўлиши тўлиқ акс эттирилган. Хусусан, уларнинг истаган динга эътиқод қилиши ёки қилмаслиги конституциявий кафолатланиб, ўзларининг ихтиёрига берилган. Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинди ва мустаҳкамланди ҳамда уларнинг дахлсизлиги таъминланди.

Бош Қонунимизнинг эътиборга молик яна бир томони шунда кўринадики, унда республика фуқаролари ва давлатнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги тўлиқ кўрсатилган бўлиб, ҳуқуқий таомилларни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистон келажаги буюк ва порлоқ давлатдир. Унинг қонунлари, фармонлари, қарор ва фармойишлари, меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган аниқ мақсадлари, айниқса, ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг адолатли қоидаларига риоя қилиш бошқа давлатлардагидан фарқ қилади. Зотан, айни пайтда унинг Қонунлари ўз фуқароларининг жамият ва давлатнинг хоҳиш-иродасини, манфаатларини энг юқори даражага кўтариб, уларни ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилмоқда.

Қонун ва давлат бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Давлат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ эса давлатсиз ўз вазифаларини бажара олмайди. Қабул қилинган қонунларимиз Конституциямизга мос ҳолда мустақил давлатимизнинг хусусиятларини, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ривожланишини ҳамда миллий одат ва анъаналаримиз, инсонпарварлик ва маданият олами ютуқларини эътиборга олган ҳолда турмушга тадбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро сиёсий майдондаги, халқаро иқтисодий муносабатларда ҳамда халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатидаги ҳуқуқий ҳолатларининг «де юре», яъни ҳуқуқий, қонуний равишда кўпчилик жаҳон мамлакатлари томонидан тўлиқ тан олинганлиги оламшумул аҳамиятга эгадир.

Айтилганлардан хулоса шуки, Конституциядан юқори қонун йўқ. Ундан фақат халқ иродаси, эркин юқори туриши мумкин. Демак Конституцияга амал қилмоқ халққа, Ватанга садоқат рамзидир.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.

СУЯНГАН ТОҒИМИЗ

Мамлакатимиз истиқлолидан сўнг миллатимизга хос бўлган анъаналар қайта тикланиб ривож топмоқда. Шаҳримиз ҳудудида истиқомат қилувчи 55 ёшдан ошган 18 минг нафардан зиёд онахон ва 60 ёшдан ошган отахонлар аниқланиб, махсус рўйхатга олинди. Уларни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш тадбирлари қадамба-қадам амалга ошириб борилмоқда. Айниқса, қаровчисини йўқотган ёлғиз қарияларни ижтимоий қўллаб қувватлашга эътибор кучайтирилган. Бу йўналишдаги ишлар бевосита шаҳар хокимлиги ташкилотчилигида барча ташкилотлар ва идоралар томонидан олиб борилаётир. Масалан, 8-март байрами арафасида шаҳардаги бир асрдан ортиқ умр кўрган 26 нафар онахон ва 200 нафардан ортиқ кекса пенсионерларнинг шаҳар хокимлигида қабули уюштирилиб, тўкин дастурхон ёзилди. Бу тадбирда уларга 750 минг сўмлик эсдалик совғалари топширилди.

Ўзгалар кўмагига муҳтож якка-ёлғиз кексалар ва ногиронлар турмуш шароитини яхшилаш мақсадида уларга Вазирлар Маҳкамаси қарорида кўрсатилган 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Бу юмушни амалга ошириш учун бўлимимизнинг 47 нафар ходими сафарбар этилган. Йилнинг ўтган ўн ойи ичида шу мақсад учун салкам 10 миллион сўмлик маблағ сарфланганлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Бундан ташқари, жорий йилнинг фақат 3-чорагида ҳомий ташкилотлар, маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга 11 миллион 615 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 405 нафар қария ва муҳтожларга моддий кўмак кўрсатилди. Умуман, Қарияларни қадрлаш йилида кексаларни ҳар тарафлама қўллаб, қувватлаш ва соғломлаштириш борасида салмоқли тадбирлар амалга оширилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан 20 нафарга яқин киши тиббий кўрикдан ўтказилиб, лозим топилганлари шифохоналарда даволанди. Соғломлаштириш шаҳобчаларида соғлиқлари мустаҳкамланди. Эшитиш мосламалари, қўлтиқтаёқлар ва хассалар билан таъминландилар. 898 нафар қарияга эса шаҳар транспортида бепул юриш гувоҳномалари берилди. Юзлаб қарияларимиз маиший ва комунал хизматларидан имтиёзли фойдаланмоқдалар.

Дилором АҲМЕДОВА,
Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири.

ИНВЕСТОРЛАР КЎМАГИДА

Американинг «Вержест Лтд» корпорацияси ва Тошкентдаги «Ўзбекскерокс» қўшма корхонаси «Асакамевасавзавотниқайтаишлаш» акциядорлик жамиятини банкротликдан қутқариб қолди. Улар сабзавот ва меваларни қайта ишловчи ушбу корхонани хусусийлаштириб, уни жиҳозлашга қарийб 130 миллион сўм маблағ сарфлашди.

Тез орада янги замонавий ишлаб чиқариш линияларни барпо этиш, маҳсулотларни қадоқлаш ва ўраш учун бу ерга 3,5 миллион доллар миқдоридаги янги технологик ускуналар келтирилади. Ҳозирча мавжуд линияларда томат пастаси, шарбат ва мурабболар тайёрланаяпти. Навбатдаги мавсумдан бошлаб маҳсулотлар замонавий ускуналарда қайта ишлана бошлайди.

«Туркистон-пресс»

Ҳукм ўқилди

ТУНДАГИ ҚОТИЛЛИК

... Улар ўғирлик нишонини узоқ вақт мўлжалга олишди. Мирзачўл тумани Гагарин шаҳридаги Боғбон кўчаси, 8 - уйни ҳар томонлама ўрганишди, оилани билувчилардан улар ҳақида сўраб-суриштиришди. Бунда ҳайдовчи Александр Чубуков сингари «оғзи бўш» кишилардан фойдаланилди. Резина қўлқоп, жунли спорт қалпоғидан бошга киядиган ниқоб ясалди.

«Ана, энди ҳамма нарса тахт», ўйлади Толғат Валибоев. Шундай ўй-хаёл билан Тимур Умаровнинг уйига кириб келди. Ишни хамирдан қил суғургандек қилиб амалга ошириш фурсати етди», дея режасини эслатди унга.

... Тунги соат ўнларда икки ҳамтовоқ Шамангул Нурниязова ва Саврон Жабборов яшайдиган уй сари йўл олишди. Ҳамтовоқлар ёғоч тўсиқдан ошиб ўтиб, ҳовлига тушишди. Уйнинг калитлари ҳам осонгина топила қолди. Қийналмасдан эшикни очиб, ичкарига киришди. Йирик миқдордаги тилла тақинчоқлар, пулларни топиш илинжида ётоқхона ва меҳмонхона буюмларини титиб, остин-устун қилсаларда, қўлга илинадиган ҳеч бир нарса чиқмади.

Тунги қароқчилар қулоғига шу топда кўча тарафдан машина овози эшитилди. Ундан уй эгалари тушиб кела бошлашди. Уй бекаси ошхонага, хонадон соҳиби уйга йўналганини кузатиб турган ўғрларнинг қўллари ҳамон лаш-лушларни титкилар, лекин ҳеч бир яроқли нарса тополмасди.

Орадан лаҳзалар ўтгач, ўғрилар турган уй сари келаётган оёқ товуши эшитилди. Очиқ турган икки табақали эшик ортига иккала ўғри беркинишди. Залга кириб келган С.Жабборов ортидан аввал қутурган шер каби Толғат ташланди, сўнг Тимур. Даҳанаки олишув бошланди. Уй эгаси ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ёнидан пичоқ чиқариб, рақибларига ҳамла қилди. Қароқчилар рақибини йиқита олмаслигига кўзи етгач, Тимур ётоқхонадаги шифонер эшигида осиғлик турган пичоқни олиб келиб рақибига ташланди. Ортдан келган Толғат эса унинг қўлларини ушлади. Ваҳшийлашган Тимур қўлидаги пичоқ билан хонадан соҳибининг бир неча маротаба дуч келган жойига зарб билан урди. С.Жабборов пичоқ жароҳатидан полга қулагач, сўнгги нафасини ростлаб, қароқчилардан раҳм-шавқат сўради. Аммо улар шафқатсизларча унинг бошига тепдилар. Шундан сўнг тана қимирламасдан қолди...

Толғат хонадон соҳибаси Ш.Нурниязованинг ҳаммомга кириб кетгани ёдига тушиб, уни тинчитиш мақсадида ҳовлига отилди ва уни ҳам ўлдириш учун пичоқ билан ташланди.

Толғат дахшатли жиноятни яшириш, ўғирликни давом эттириш мақсадида ҳеч бир ҳимоясиз аёлнинг боши, бўйни, юзи аралаш дуч келган жойига пичоқ тортарди. Кутилмаган бундай зарбалардан ерга ётиб қолган Ш.Нурниязова ҳушидан кетди.

Қотиллар энди бемалол барча хоналарни ва ундаги жиҳозларни тинтишга тушди. Қўлга илинадиган жиҳозлар, тилла тақинчоқлар, кийим-кечак ва 1000 сўм турадиган бир қути шоколадни ҳам унутишмади. 700 АҚШ доллари, 104.500 сўм пулни ўмаришди.

Қотиллар ҳовлига чиққач, ерда ётган мурдани ҳаммомга судраб кириб, дарвозага осма қулф уриб Тимурнинг уйи томон йўналишди. Йўлда кетишаркан, қотиллик қуроли - пичоқнинг бирини каналга, бирини нотаниш томорқага ирғитишди.

Эрталаб эса Одилнинг ҳаммомига кириб қон доғларини ювиб, кийимларини алмаштиришди, яраларини боғлашди.

Қисқача воқеа тафсилотидан сўнг «бировга гуллаб ўтирма тағин» дея Одилга қутидаги шоколад ҳамда 4500 сўм пулни тутқазишди. Қон доғлари теккан кийимларни қўшни ҳожатхонасига ташлаб юборишди.

Сўнг Қозоғистоннинг Жетисой шаҳрига қараб жуфтакни ростлашди. Йўл-йўлакай тилла буюмларни пулга айрибошлашди. Кўп ўтмай қотиллар Остона шаҳрида қўлга олинди ва суднинг қора курсисига ўтирдилар.

Илгари тўрт бора судланган Одил Расулов билан Александр Чубуков ўз ҳаракатлари билан жиноят тегирмонига сув қуйишган. Одил жиноят иши содир бўлишидан олдиндан хабардор бўлган бўлса-да, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини огоҳ этмаган. Александр марҳум С.Жабборовнинг ҳайдовчиси бўлиб ишлаб, қотилларга билиб-билмай йўл кўрсатган.

Суд ҳукмига кўра ашаддий жиноятчи, хавфли рецидивист Толғат Валибоевга ўлим жазоси берилди. Тимур Умаров 20 йилга озодликдан маҳрум этилди. Одил Расуловга 6 йил, Александр Чубуковга бир йил қамоқ жазоси белгиланди.

Неъмат БОЙМУРОДОВ,
Жиззах вилоят жиноят ишлари бўйича судининг судьяси.
Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

САВОЛ: ***Ер солиғидан кимлар озод қилинади? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.***

Турди РИЗАЕВ, Олим ШОКИРОВ, Узун тумани.

ЖАВОБ: Солиқ Кодексининг 102-моддасига биноан айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар.

Қуйидаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар.

1) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти мақсадида фойдаланаётганларидан ташқари;



2) маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланаётган ер участкалари учун;

3) деҳқон (фермер) хўжаликлари – давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

4) чет эл инвестициялари иштирокидаги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар – рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида;

5) ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар. (Савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно);

6) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар – ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар. Бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим;

7) мактабгача таълим нодавлат муассасалари рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, башарти улар олинаётган маблағларни моддий-техника негизини мустаҳкамлашга, асбоб-ускуна, жиҳозлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиёт олиш мақсадларида сарфласа;

8) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланишлари ҳуқуқини берувчи лицензия эгалари.

Ушбу модданинг биринчи қисми 3- ва 4-бандларида кўрсатилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ миқдори уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ ундирилади.

Шунингдек, ер солиғидан қуйидаги жисмоний шахслар ҳам озод қилинадилар:

1) чорвачилик хўжалигида фаолият юритаётган чўпонлар, йилқибоқарлар, механизаторлар, ветеринар врачлар ва техниклар, бошқа мутахассислар ва ишчилар;

2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Меҳнат Қаҳрамони» унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар,1941-1945 йиллар уруши ногиронлари ва қатнашчилари;

3) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговор харакатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари—хизмат муддатига;

5) 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари;

6) ёлғиз пенсионерлар;

7) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

8) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

10) гастрол - концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия эгалари.

Ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган имтиёзлар якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилган.

ЎҚИТУВЧИЛАР СИҲАТГОҲИ

Самарқандда ана шундай сўлим маскан ташкил этилди

Сиҳатгоҳларга йўлланма тақчиллигидан ўқитувчиларни дам олдириш, соғломлаштириш жиддий муаммолардан бири эди. Ҳолбуки, таълим-тарбияда руҳан тетик, соғлом мураббийгина кутилган натижаларга эришиши мумкин. Шу йил май ойида Самарқанд вилоят ҳокими Оқдарё туманидаги «Оқдарё» санаторийсини вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфига ўтказиб, «Устоз» саломатлик ва экологик тарбия марказига айлантириш ҳақида қарор қабул қилди. Шунга кўра уни таъмирлашга 15 миллион сўм ажратилди. Сиҳатгоҳга озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун 3 гектар ер ажратилди.

Ҳудуди 17,5 гектарни ташкил этадиган бу сўлим маскан туман марказига яқин жойда жойлашган бўлиб, замонавий бинолардан иборат. Унинг 3,5 гектар боғи, 3 гектар майдонни эгаллаган кўли бор. Бу ерда бир йўла 60 нафар киши дам олдирилиши мумкин.

– Уч ойда сиҳатгоҳда катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Биноларнинг ички ва ташқи кўриниши тубдан ўзгарди, - дейди марказ раҳбари Зариф Облоқулов. – Туманлар халқ таълими бўлимларининг ташаббуси билан ўқитувчиларнинг ўзлари ҳашар уюштиришди. Дам олиш хоналаридаги жиҳозлар, кўрпа-тўшаклар тўлиқ янгиланди. Дам олиш хоналари ташкил этилиб, телевизор, совутгич ва бошқа зарур жиҳозлар муҳайё этилди. Янги сув тармоғи ишга тушди.

Жорий йилнинг сентябр ойида санаторий дастлабки даволанувчиларни қабул қилди. Ҳозирга қадар эса бу ерда 100 нафардан зиёд киши саломатлигини тиклади.

– Сиҳатгоҳимизда балчиқ, игна, гиёҳли сув, кислород билан даволаш, физиотерапия, фитотерапия усуллари кенг қўлланилмоқда, - дейди бош шифокор Камол Исмоилов. – Дам олувчиларга 3 нафар шифокор, 9 нафар ҳамшира хизмат кўрсатмоқда. Сир эмаски, ўқитувчилар асосан қон босими, хафақонлик ва қон айланиш, асаб тизими билан боғлиқ хасталикларга чалинишади. Буларни даволашда халқ табобати синовидан ўтган тиббиёт зулукларидан ҳам фойдаланишни режалаштираяпмиз.

Маскан билан танишар эканмиз, дам олувчиларнинг мамнунлигини кўрдик. Улар учун ҳар ҳафтада бир мартадан кино ва концерт намойиш қилинади. Кутубхона, клуб уларнинг ихтиёрида. Сауна ишлаб турибди. «Устоз» саломатлик ва экологик тарбия марказининг молиявий харажатларини вилоят халқ таълими бошқармаси, «Маърифатпарварлар» жамияти вилоят бўлими ўз зиммаларига олишган. Ўқитувчилар учун йўлланма нархининг бир қисмини таълим ва фан ходимлари касаба уюшма ташкилотлари қоплаб беришмоқда. Бу масканда йилига 1500 нафар ўқитувчини дам олдириш мумкин.

Ҳукуматимиз таълим соҳаси ходимларига кўрсатаётган ғамхўрликнинг шарофати билан вужудга келган ушбу марказ самарқандлик ўқитувчиларнинг севимли маскани бўлиб қолади. Чунки ҳозирдаёқ бу ерга келиш истагини билдирган талабгорлар сони ошиб бормоқда.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

ВАЛИЖОННИНГ ТУҲФАСИ

Навоий вилоятининг Қизилқум чўлига туташиб кетган Конимех, Учқудуқ, Томди, Нурота тумани яйловларида бир миллион бошдан ортиқ қўй-қўзи боқилади. Йилига 300 минг дона қоракўл ва қўй терилари тайёрланади. Маълумки, бу териларнинг маълум бир қисми стандарт талабларига жавоб бермайди. Шу боис уларга харидор ҳам топилмайди.

Учқудуқ шаҳрида тадбиркорлиги билан элга танилган Валижон Худойбердиев бу муаммонинг ечимини топди. Туман ҳокимлиги унинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бухоро трикотаж фабрикаси филиалининг бўш ётган икки қаватли биноси тадбиркор ихтиёрига берилди.

Валижон Худойбердиев очган «Шер» хусусий корхонасида қоракўл ва қўй терилари ошланиб, қайта ишланади. Сўнгра дублёнка, манто, шуба, жакет, телпак, қўлқоп каби кийим-кечаклар тикилади.

- Чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик, - дейди Валижон. - Мақсадимиз хориж сармоясини олиб кириш, ўз маҳсулотимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш, харидор сонини кўпайтириш эди. Ниятимизга эришдик. Германия ва Россияга 3 минг дона қоракўл тери етказиб бериш бўйича шартнома туздик. Янги йилдан бошлаб 40 минг дона қоракўл тери, 20 минг дона қўй терисини экспортга чиқарамиз. Вилоятимиздаги 36 та қоракўлчилик хўжалиги стандарт талабига жавоб бермайдиган чиқинди териларни бизга топшираяпти. Бу эса корхонамизга ҳар йили 400-500 миллион сўмлик фойда келтиради.

Ҳозирда корхонада ишлаётган 25 нафар йигит-қиз Навоий кон-металлургия комбинати ва Учқудуқдаги Шимолий кон бошқармасининг 4 минг жуфт қўлқоп тайёрлаб бериш борасидаги буюртмасини бажармоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, ишчилар сони юз нафардан ошади.

(ЎзА).



Фарғона вилояти Қува туманидаги «Экмасан» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси новвойлари томонидан тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотлари истеъмолчиларга маъқул келмоқда. Чунки фирма раҳбарлари истеъмолчилар талабини пухта ўрганиб, маҳсулотлар сифатига жиддий эътибор қаратишмоқда.

Суратларда: фирма фаолиятидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимиз дунёнинг ривожланган демократик давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан барча жабҳаларда, жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқ соҳаларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Тошкент давлат юридик институти талабалари билан ТАСИСнинг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнлари ривожига кўмаклашиш» лойиҳаси халқаро эксперти, Швециядаги Омбудсман институти департаменти бошлиғи Тимо Рейнер Манинен ўртасида бўлиб ўтган учрашув ҳам соҳадаги ана шундай ҳамкорлик алоқаларига бағишланди.

Тадбирда Швеция Омбудсман институти фаолияти билан боғлиқ маъруза тингланган, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳоти, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди.

Тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова иштирок этди.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири

СУЛОЛАЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

«Урганчйўловчиташиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ташкил этилганига бор-йўғи етти йилча вақт бўлди. Лекин шу қисқа давр ичида жамоа ўзининг йўловчилар талаблари даражасида ишлай олишини кўрсатди. Хусусан, автобусларни қатъий белгиланган вақтда ҳаракатда бўлиши, носоз автобуслар йўлга чиқишига барҳам берилиши, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши ҳиссадорлик жамияти ютуқларидандир.

Хўш, буларга нималар эвазига эришилаётир?

—Биринчи галда ҳайдовчи, ишчи-хизматчиларга зарур шароитлар яратиб берилгани жамоа муваффақиятига омил бўлди, - дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Комилжон Қурбонов. — Айни пайтда жамият таркибида 365 нафар ҳайдовчи, ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётир. Уларнинг баракали меҳнат қилишлари учун касаба уюшмаси билан ҳамкорликда кутубхона ва клубда қизиқарли мавзуларда тадбирлар ўтказиб турилади. Айниқса, уч авлод учрашувларининг мунтазам ўтказилиши натижасида жамоада янги сулолалар сафи кенгайиб бормоқда. Умумхалқ ва касб байрами саналари эсда қоларли тарзда ташкил этилаётгани, шу ерда ишлаб фахрийликка чиққанлар эъзозланаётгани ишимизда сезиларли ўзгаришлар бўлишини таъминлаётир.

Жамият раҳбарининг соҳани яхши билиши ҳам кундалик муаммолар ечимига йўл топишда асқотмоқда. У жамоа аъзолари дилидагини яхши ҳис этиши, турли масалалар бўйича мурожаатларга ҳозиржавоблиги ҳам ишловчилар ўртасидаги муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам ўзлари ва фарзандлари саломатликларини мустаҳкамлаш кун тартибидаги энг муҳим масала сифатида қаралаётганини ҳар бир ишчи-хизматчи яққол сезиб турибди. Фақат шу йилнинг ўзида 47 нафар киши «Хонқа» санаторийсида даволанди. «Автомобилчи» болалар оромгоҳида эса 220 нафар ўғил-қиз ёзни соз ўтказди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан пенсионерлар билан бир неча марта учрашувлар ўтказилиб, совға-саломлар тақдим этилди. Нафақахўрлар автотранспорт корхоналарига бориб, ёшларга ўзларининг бой тажрибаларини ўргатмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни пухта ташкил қилиш, йўловчилар талаб-эҳтиёжини қондириш каби муҳим масалаларни ижобий ҳал этиш имконини бераётир.

Раҳматилла РЎЗМЕТОВ.

Шарҳловчи минбари

ТАМАКИ РЕКЛАМАСИ ТАҚИҚЛАНДИ, ЧЕКИШ-ЧИ?

Тамаки маҳсулотларининг зарари тобора жиддий муаммоларга сабаб бўлаётир. Масаланинг глобал тус олиши унга қарши мамлакатларни биргаликда ҳаракат қилишга ундамоқда. Яқинда Европа Иттифоқида(ЕИ) тамаки маҳсулотлари рекламаси тақиқланадиган бўлди. Страсбургда йиғилган Европа парламенти вакиллари қитъа бўйлаб сигарет савдосини камайтирмоқчи.

Роппа-роса икки йил аввал Европа суди қарорига биноан, Европа Иттифоқи бундай тақиқ эълон қилиш ҳуқуқига эга эмасди. Ташкилотнинг фаолияти минтақадаги мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришдан иборат эди. Ҳозир ҳам ташкилот тизимида жиддий янгиланишлар бўлмаса-да, халқаро кузатувчилар ЕИнинг тамаки маҳсулотлари рекламасини ман этишини муҳим қадам, деб баҳоламоқда.

Тақиқ аввало, газета ва журналлар учун. Чунки Европа қитъасида матбуот катта нуфузга эга. Шунингдек, интернетда ва трансмиллий тадбирларда ҳам тамаки рекламаси тақиқланади. Хусусан, «Формула-1» авто пойгаларида энди бирорта сигарет реклама қилинмайди.

Европа парламентидаги 311 депутат рекламаларни тақиқлашга розилик билдирди, 202 депутат эса тамаки рекламаси зарарсизлигини ёқлаб чиқди. Энди парламентнинг янги қонун лойиҳаси билан иттифоқнинг барча аъзолари таништириб чиқилади. Бироқ депутатларни ташвишга солаётган масала ҳам бор. У ҳам бўлса, янги қонунга Германия ва Австриянинг муносабати. Гап шундаки, ушбу мамлакатларда сигарет савдосидан йилига миллионлаб даромад олинади.

Европа парламентининг бу қарорига тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компания ва реклама агентликлари ҳамда нашриётлар норозилик билдирмоқда. Ваҳоланки, бундай рекламалар ЕИ га аъзо давлатларнинг деярли ярмида тақиқланган.

Янги қонунни кўпроқ Буюк Британия қўллаб-қувватламоқда. Чунки, мамлакатда тамаки туфайли ҳар йили минглаб киши вафот этади. Шунга қарамай, аҳолининг аксарияти чекишга ружу қўйган.

Таъкидламоқ керакки, тамаки маҳсулотлари рекламаси Ўзбекистонда ҳам чекланган. Матбуотда чекишни тарғиб этиш қатъий тақиқланган.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎзА шарҳловчиси.

СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Австралия махсус харбий бўлинмалари яқинда Афғонистондаги Халқаро хавфсизлик кучлари таркибидан чиқарилади. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга кўра, ноябр ойининг охиригача австралиялик 150 нафар ҳарбий ватанига қайтарилади.

Австралия Бош вазири Жон Говард мамлакат махсус бўлинмалари Афғонистондаги тикланиш ишларига катта ҳисса қўшганлигини айтди.

* * *

Ироқ президенти Саддам Ҳусайнинг ўғли Удей бошқараётган, мамлакатдаги энг нуфузли бўлган «Бобил» газетаси бир ойга ўз фаолиятини тўхтатди. Расмий Бағдоднинг таъкидлашича, газета ҳукумат фаолияти билан боғлиқ хабарларни ёритишда хатоликларга йўл қўйган.

«Бобил» газетаси Ироқ ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни ёритаётган мамлакатдаги ягона газета ҳисобланади.

* * *

Францияда чиқадиган «Монд» газетасининг ёзишича, Италиянинг собиқ Бош вазири Жулио Андреотти 1979 йили машҳур журналист Мино Пекореллининг ўлимига алоқадорликда айбланмоқда. Бу хабар мамлакат ўнг ва сўл партияси вакилларини эсанкиратиб қўйди.

Хабарда айтилишича, Ж.Андреотти охирги эллик йил ичида Италия сиёсатида жуда катта мавқега эга бўлган. У бир неча бор ҳукумат аъзолигига сайланган, етти марта бош вазир лавозимига тайинланган. Ҳозир у умрбод сенатор саналади.

(ЎзА).





2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

НУРОНИЙЛАР «САНГЗОР»ДА УЧРАШДИЛАР

«Сангзор» дам олиш масканида Жиззах вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, мева-сабзавот, кимёлаштириш, машина-трактор парклари бирлашмалари, «Жиззах пилла», Ўрмон хўжаликларидан нафақага чиққан ва айни пайтда меҳнат қилаётган 250 нафардан зиёд фахрийлар иштирокида «Қариялар учрашуви» бўлиб ўтди.

Қарияларни қадрлаш йили ва Давлат дастури доирасида вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасида жорий йил давомида қатор ана шундай тадбирлар уюштирилаётганлиги эътиборга сазовордир. Шу йилнинг июл ойида «Боғишамол» дам олиш мажмуасида вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимида бошланғич касаба уюшма қўмиталарида фаолият кўрсатган фахрийларга бир пиёла чой уюштирилиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари инъом этилган эди.

Вилоят касаба уюшма қўмитаси ҳукумат дастурини ҳаётга кенг тадбиқ этиб, умуминсоний қадриятларни улуғлаш мақсадида биргина жорий йилнинг ўтган ойларида тармоқ тизимда ишлаётган меҳнат фахрийлари ва нафақахўрлардан 250 нафари республикамиздаги «Ботаника», «Бўстон» ва «Ибн Сино» каби сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклашди. Қатор йиллар сувчи, механизатор, ғаллакор ва пиллакор бўлиб ишлаган Р.Маҳмудов, О.Болиев, Х.Йўлдошев, Б.Холбекова, Г.Болтабоева, А.Исроилов, Р.Тоҳировлар имтиёзли йўлланмаларга эга бўлишди.

— Қарияларимиз доимо эъзоз ва эътиборда, - дейди касаба уюшмалари вилоят кенгаши ходими Омон Бурҳонов. — Улар учун барча шароитларни яратиб беряпмиз. Айни чоғда тармоқ тизимида 300 та бошланғич касаба уюшма қўмитаси бўлиб, уларда 103216 нафар касаба уюшма аъзолари фаолият кўрсатмоқда.

363 нафар пенсионерга 1 миллион 352 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. 23 нафар ёлғиз қарияларга ҳашар йўли билан уй-жойларини таъмирлашда кўмак кўрсатилди.

Хуллас, қарияларни қадрлаш йили муносабати билан тармоқ тизимида ибратли ишлар қилинмоқда. Бундай саҳоватли ишлардан хурсанд бўлган ҳамюртларимиз Юртбошимиз, ҳукуматимизга раҳматлар айтишмоқда.

Суратларда: вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасида ишлаган фахрийлардан бир гуруҳи.

Н.БЎРИЕВ.

МУКАММАЛ ДАРСЛИК

Давлат таълими стандарти ва ўқув дастури асосида янги ўқув адабиётларини яратиш устида самарали изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон халқ таълими ва Осиё тараққиёт банки томонидан тендер асосида энг яхши дарслик ва ўқув қўлланмалари учун республика танлови ўтказилиши ҳам айни муддао бўлди.

Танловда ғолиб чиққан ўқув адабиётлари орасида бир гуруҳ тажрибали педагог-олимлар муаллифлигида юзага келган «Кимё» дарслиги ҳам бор. Мактабларнинг 9-синфи учун яратилган бу китобни Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти кўп нусҳада босиб чиқарди.

А.АЛИЕВ.

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

**** Улуғлик гапда эмас бошдан-оёқ,***
Ёрти иш ҳам юзта гапдан яхшироқ.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

**** Ҳар ишдаким инсон кўрсатур ҳиммат,***
Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат.

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

**** Эртага қолмаса бугунги иши,***
Бу дунёда ғолиб яшар шул киши.

Хусрав ДЕҲЛАВИЙ.

**** Ҳар тирик жон агар қилса ҳаракат,***
Ҳаракатга қараб топар баракат.

Камолиддин БИНОИЙ.

**** Қоматдан не фойда диди бўлмаса,***
Гул рангидан не фойда ҳиди бўлмаса.

Бадриддин ҲИЛОЛИЙ.

**** Ҳиммат камарин боғлаган ҳамон,***
Чумоли енгади шерни бегумон.

Абдуқодир БЕДИЛ.



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Куз фаслининг таровати ўзгача.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Геронтология маркази

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури асосида бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Вилоят марказий шифохонаси қошида Ибн Сино халқаро жамғармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида геронтология маркази ташкил этилди.



Азалдан инсоннинг садоқатли «дўсти», тенгсиз ёрдамчиси бўлиб келган итлар ҳақида қизиқ—қизиқ ҳангомалар эшитиб қоласиз. Унинг ёниб турган аланга ичидан чақалоқни тишлаб олиб чиққанлиги, сувда оқиб кетаётган одамни қирғоққа элтганлиги, жанг пайтида ярадорни ўқлар ёмғири остидан судраб келаётганлигига оид ҳикояларни ўқимаган одам топилмаса керак. Баъзилар эса итимнинг тили йўқ холос, дея бош чайқаб қўйишади. Мен ҳам ана шу мавзуда эшитган, кўрган воқеаларим билан ўртоқлашгим келди.

ҚОРАЧЎҚҚИДА ОМОН ҚОЛДИ

Воқеий ҳикоя

Ҳарбий хизматдан қайтган пайтларим эди. Тоғда чорвани яйловга ёярдим-да, қўлимга милтиқни олиб қирмақир, даштма-дашт кезардим. Ўша пайтларда шундай кучга тўлгандимки, қаршимдан айиқ чиқса ҳам тикама-тикка олишаман, деб ўйлардим. Бир сафар Чотқолда кам учрайдиган тўқол кийикка дуч келдим. Ўзиям роса эт қўйган экан. Накд етилган ғунажинни эслатарди.

Бу жониворга тоғ қиялиги, унча-бунча жарлик ҳам писанд эмас эди, қушдек учарди. Анча овора қилди. Нонуштадан пешингача туз тотмасдан ортидан эргашдим. Ҳамишалик ҳамроҳим саналган итим Олапар мен билан бирга. Ниҳоят Қорачўққи йўлагида, жуда ноқулай шароитда нишонга олдим. Бир ёғи тагсиз дара, олдинги томони икки-уч терак бўйи қоя. Кийик чўққидан чуваланиб тушган жилғадан сакрашга тайёрланаётганида ўқ уздим. Милтиқ гумбирлади-ю, унинг зарбидан қалқиб кетганлигимни, қўлларимни мувозанатни сақлаш учун икки ёнга ёйганлигимни биламан. Бошим нимагадир қаттиқ урилди. Уёғи эсимда йўқ.

Совуқдан жунжикиб, ҳушимга келдим. Тишларим безгак тутаётгандек такиллар, ўзимни қўлга олишнинг ҳеч иложи йўқдек эди. Сал қимирласам, бошим ва белимда шунақа оғриқ турардики, «дод» деб юборардим. Ҳа, отам насиҳатини, ўқ узишдан аввал оёқни мустаҳкам таянчга қўйиш лозимлигини унутган ва елкамга урилган милтиқнинг акс зарбаси оқибатида оёғим остидаги тош кўчиб, пастга қулагандим. Айтгандай, Олапар қани?

Кўзларимни юмганимча анча фурсат ётдим. Қанча вақт ўтди, билмайман. Бир пайт кўзимни очсам, Қорачўққи устида қўшалоқ юлдуз чарақларди. Беш-олти соат ҳушсиз ётибман чоғи. Оғриқни енгиш учун тишимни тишимга қўйиб, тирсакка таяндим. Ўнг қўлим билан атрофни пайпасладим. Ўт-ўлан. Икки қадамча эмаклагандим, бўшлиқ экан. Омадни қарангки, қияликдаги мўъжазгина ерга илашиб қолибман. Қоянинг четки қирраси жарга қулашимга монелик қилибди.

— Олапар! Ҳой Олапар! Қаердасан? Наҳотки, мени ўлди деб жўнаб қолган бўлсанг! — Бу сўзларни овозимни аранг чиқариб, худди ўзимга гапираётгандек талаффуз қилдим.

— Вов-вов!

Қулоқлари динг итнинг аянчли инграшини аниқ эшитдим, у мен кийикка ўқ узган қоя устида вовиллаётганди.

— Олапар, қўрқаяпсанми тушишга! Келақол, қўрқма!

Юқори шитирлади, тупроқ аралаш тош парчалари тўкилди. Сал ўтмасдан Олапар ҳансираб, думини ликиллатиб ёнимда пайдо бўлди.

— Энди нима қилдик, азизим? — Ўзим томон эгилган Олапарнинг бошини силадим. — Тепага чиқишгаям, пастга тушишгаям ҳолим йўқ.

Яна узоқ ётдим. Нимадир қилиш лозим. Қўлим беихтиёр, чўнтагимдаги рўмолчага тегди. Шу пайт фикримда «ялт» этиб нимадир жонланди. Рўмолчани чўнтагимдан чиқариб, итнинг бўйнига боғладим.

— Олапар, бор, уйга жўна. Бекор ёта бериш бефойда. Бошлаб келгин уйдагиларни! Тезроқ жўна!..

Қоронғида Олапар кўзларини сал муддат ялтиратди-да, кейин боя ўзи тушиб келган қоя устига ўрмалади. Итни жўнатдиму бўйруғимни тушунганига унчалик ишонмадим. Балки, мени олдидан ҳайдаяпти, деб ўйлагандир. Аввал жаҳл устида урганимда бир ҳафта қорасини кўрсатмасдан кетганди.

Оғриқ баттар кучайди. Мени қуйига юмалашдан асраб қолган тош тўшига бошимни қўйганимча илондек тўлғанаман. Тун-тунлигини қилди. Уйқу элитди. Қандайдир қуш қичқириғидан уйғондим. Осмон ёришган, юлдузлар хира тортган, ранги ўчган ой тоғ ортидан элас-элас кўринарди. Оқариб келаётган борлиқ қўйнида Қорачўққи тағин ҳам улуғвор тортган, қаёққа қараманг, тоғ ва тошлар... Уларга тикиламану, олам тоғ-тошлардан иборатми, деган ҳаёлга бораман.

Кучсиз шарпа товушлари қулоқларимга чалинди. Ёввойи ҳайвон ёки қуш бўлса керак, деб тахмин қилдим.

— Ана, анави ерда бўлса керак, ит ўша ёққа интилаяпти! — Одам овозидан жонланиб, бошимни кўтардим. Қўлимга тиралиб, қаддимни ростлашга уриндим. Овоз акамники эди.

— Бу ёқдаман!

Бошим устида қўлинкадек осилган қоя узра енгил чакмон кийган акамнинг адл қомати кўринди. Унинг қаторига тағин икки соя қўшилди. Уларни танийман, биз билан бирга ёнма-ён чодир тиккан қўшни хўжалик чўпонлари. Вужудимда енгиллик сездим.

— Олапар! Ҳой, Олапар!

Акамнинг қўлидан сирғалиб чиққан ит тош-тупроқни шатирлатганича мен томонга тушиб кела бошлади...

— Кечиканингга от билан яқин-атрофни кезиб чиқдим. Бирон унгирга йиқилиб тушгансан, деб ҳавотирландик, — деди акам мени қўлтиқлаб отга миндираётиб. — Олапар бўйнидаги рўмолча кўнглимизни кўтарди. Унинг инграб ҳаммага суркалишини кўриб, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ҳар қанча эъзозласанг, оз уни!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Турган-битгани мўъжиза

ЎЗБЕКИСТОНДА ШОҲМОТ ТАРИХИ

Ўзбекистонда шоҳмот қадимдан маълум бўлса-да, ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб оммалашди. 1924 йили қадимги қоидалардан халқаро қоидаларга ўтилиши ўзбек шоҳмотчиларининг маҳоратини оширишга имкон яратди. Хусусан, шоҳмотнинг жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларига бирлаштирилиши туфайли йирик мусобақалар ўтказилди, малакали шоҳмотчилар тайёрланди. Улар орасидан Бутуниттифоқ миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этувчилар ҳам етишиб чикди. Республика газета ва журналларида мунтазам равишда шоҳмотга оид мақолаларнинг бериб борилиши ҳам бу спорт турининг ривожида муҳим рол ўйнади.

1930-1941 йилларда республикада шоҳмотчилик ҳаракати янада авж олди. Натижада шоҳмот меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқариш воситаларидан бирига айланди. Хотин-қизлар, мактаб ўқувчилари, колхозчилар ўртасида расмий мусобақалар ўтказила бошланди. Шоҳмотга оид китобларнинг таржима қилиниб, нашр этилиши минглаб ҳаваскорлар маҳоратини оширишга ёрдам берди. 1938-40 йилларда Москва, Санкт-Петербургнинг машҳур гроссмейстерлари, Марказий Осиёнинг энг моҳир шоҳмотчилари Тошкентдаги турнирларда иштирок этишди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари. Дунёнинг машҳур гроссмейстери Сало Флор республикамиз шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, шоҳмот ҳақида маъруза ва суҳбатлар, бир нечта ўйин сеанслари ўтказди. Ҳатто 1941 йил пойтахт биринчилиги ўтказилиб, унда Флор ва уста шоҳмотчи Марк Тайманов иштирок этди. Яна бир гроссмейстер Сергей Фрейман ҳам мамлакатимизда шоҳмот ўйини ривожига ғоят катта ҳисса қўшди. У 1911 йили шоҳмот устаси унвонини олади. 1918 йили эса Тошкентга келиб умрининг охиригача шу ерда яшайди. У 4 маротаба (1932, 1934, 1935, 1936 йилларда) Ўзбекистон чемпионлигига эришади. Туркманистон, Қирғизистон чемпионатларида (конкурсдан ташқари) қатнашиб, биринчи ўринни эгаллайди. 1927 ва 1937 йилларда Марказий Осиё биринчиликларида ҳам ғолиб чиқди. Тажрибали шоҳмотчи Фрейманнинг ютуғи шунда эдики, у зўр амалиётчи ва назариётчи эди. Фрейман ёшлигида дунёнинг забардаст шоҳмотчилари бўлмиш Алёхин, Рубинштейн, Шлехтер, Ласкер, Тейхман, Шпильманлар билан куч синашган бахтли шоҳмотчидир.

1944 йили Тошкентда республика IX чемпионати ўтказилди. Шундай оғир дамларда бунга зарурият бормиди, дейдиганлар топилиши ҳам мумкин. Масалага чуқурроқ ёндошилса, шу ва шу каби мусобақалар спортчиларимизнинг бўлғуси ғалабаларига замин бўлганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Урушдан кейин шоҳмотчилик ҳаракати икки-уч йилдаёқ илгариги даражасига етиб олди. Республика биринчиликларини мунтазам ўтказилиши шоҳмотга бўлган ҳавасни янада оширди. Секция, тўгарак ва мусобақаларда иштирок этувчи шоҳмотчилар сони 5 минг нафардан 250 мингга етди. Бу эса кўплаб юқори малакали шоҳмотчилар, мамлакат чемпионлари, халқаро мусобақалар совриндорларининг етишиб чиқишига замин яратди.

Мустақиллик йилларида шоҳмот чин маънода тараққий топди. Тажрибали «ақл ўйини» соҳиблари, иқтидорли шоҳмотчилар халқаро мусобақаларда мустақил мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Дарвоқе, яқиндагина мамлакатимиз ҳукумати томонидан қабул қилинган республикамизда болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги тарихий ҳужжатлар иқтидорли шоҳмотчилар камолотига янада улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Анвар ИНОҚОВ, шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.
(Давоми бор.)





Иккала кўринишда ҳам вазият ғоят мураккаб. Лекин оқлар катта маҳорат кўрсатиб, қораларни мағлуб этади. Хўш, сиз қандай ўйнайсиз?

Республика Адлия вазирлиги томонидан 13 март 2002 йилда Ҳасанов Суннатилло Ғайбуллаевич номига берилган 3940 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 01:40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 1019. 1 2 3 4 5 6